

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ**

**2018 йил
ЯНВАРЬ – СЕНТЯБРЬ**

Урганч – 2018

СЎЗ БОШИ

Хоразм вилоятининг статистик ахборотномаси Хоразм вилоятининг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Хоразм вилояти статистика бошқармасининг чорақлик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2018 йил январь–сентябрь ойлари яқунлари бўйича Хоразм вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда 2017 йилнинг I чорагидан бошлаб, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ–2) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд иқтисодий фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ–2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ–кон саноати ва очик конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг В,С,D,E,F секциялари). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, иқтисодиёт тармоғи сифатида талқин қилишдаги тафовутни бартараф этиш мақсадида, янгиланган таснифлагичда қишлоқ хўжалиги фақатгина дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олмай, балки ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади.

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги иқтисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯХМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқариб ташланган).

Нашр 12 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Статистик ахборотномада саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташқи савдо, улгуржи ва чакана савдо, меҳнат бозори ва демографик ҳолат тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

Дастлабки ҳисобларга асосан келгусида аниқлик киритилиши мумкин бўлган кўрсаткичлар келтирилмоқда.

Тахризчилар: А.Р.Ўтамуратов – Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари

А.И.Рахимов – Бошқарма бошлиғининг ўринбосари

Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	–	ялпи худудий маҳсулот	л.	–	литр
%.	–	фоиз	0,0	–	катта бўлмаган миқдор
млрд.	–	миллиард	м	–	марта
млн.	–	миллион	–	–	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн.АҚШ долл.	–	миллион АҚШ доллари	га.	–	гектар
кв.	–	квадрат	тн.	–	тонна
км.	–	километр	1), 2), 3),.....	–	изоҳнинг мавжудлиги
м.	–	метр			

МУНДАРИЖА

Номи	бет.
Асосий иқтисодий кўрсаткичлар	6
I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ	7-9
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби	7-9
II. САНОАТ	10-17
Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш	10-13
Ҳудудлар кесимида саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми	14-17
III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ	18-26
Хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	18-19
Ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари	22
Ҳудудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	23-26
IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ	27-37
Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръатлари	27-28
Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар	28-29
Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби	29-31
Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби	32-34
2018 йил январь – сентябрь ойларида Ҳудудлар кесимида ишга туширилган турар жойлар	35-36
Қурилиш ишлари	38
V. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК	39-42
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари	39-42
VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	43-49
Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони	42
Рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари	43-54

Номи	бет.
VII. ХИЗМАТЛАР	55-59
Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш	54-60
VIII. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА	61-62
Юк ташиш	61
Йўловчи ташиш	62
IX. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ	63-66
Чакана савдо товар айланмаси кўрсаткичлари	62
Шаҳар ва туманлар кесимида чакана товар айланмаси ҳажми умумий овқатланишни кўшган ҳолда	63-65
X. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ	67-74
Вилоят ташқи савдо айланмасида МДҲ ва бошқа давлатларнинг улуши	66-67
Товар ва хизматларнинг экспорт таркиби, жамига нисбатан фоизда	67
Товар ва хизматларнинг импорт таркиби, жамига нисбатан фоизда	68
МДҲ ва бошқа давлатлар билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби	69
Хоразм вилоятида ҳудудлар кесимида 2018 йил январь-сентябрь ойларида Ташқи савдо айланмаси ҳажми (минг АҚШ долл.)	70-74
XI. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ	75-79
Доимий аҳоли сони	75
Аҳолининг табиий ҳаракати	76
Тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони	77-78
Кўчиб келиш ва кўчиб кетишлар сони	80
XII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ	81-84
Иш ҳақи	80-82
Шаҳар ва туманлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи	84

**Асосий иқтисодий кўрсаткичлар
2018 йил январь–сентябрь**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь-сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Ялпи ҳудудий маҳсулот	7675,1	104,4
Саноат маҳсулоти	3890,3	114,4
Истеъмол товарлари	2664,5	122,3
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3667,3	100,3
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	2052,7	135,8
Қурилиш ишлари	1321,7	105,8
Юк айланмаси (млн. тн-км)	487,5	106,1
Йўловчи айланмаси (млн. йўловчи-км)	5536,6	102,4
Чакана товар айланмаси	3620,8	105,6
Хизматлар, жами	3130,6	108,1
Ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ долл)	162,5	87,8
Экспорт (млн. АҚШ долл)	56,3	72,5
Импорт (млн. АҚШ долл)	106,2	98,9
Сальдо (+;-) (млн. АҚШ долл)	-49,9	x

I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-сентябрда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 7675,1 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-сентябрга нисбатан ўсиш суръати 104,4 фоизга тенг бўлди.

2018 йил январь-сентябрь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 124,7 фоизни ташкил қилди.

2018 йил январь-сентябрь ойлари учун ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари (фоиз ҳисобида)



Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 100,3 фоиз, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 31,8 фоиз), саноат – 111,5 фоиз (18,9 фоиз), қурилиш – 105,8 фоиз (8,0 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 104,5 фоиз (7,9 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 105,3 фоиз (9,1 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 103,1 фоиз (24,3 фоиз)ни ташкил қилди.

**2018 йил январь-сентябрь ойларида вилоят ялпи ҳудудий
маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби**


	млрд.сўм		2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 йил январь-сентябрь	2018 йил январь-сентябрь	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	5895,5	7675,1	104,4
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	5665,4	7339,5	104,3
Маҳсулотларга соф солиқлар	230,1	335,6	107,4
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	5665,4	7339,5	104,3
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1696,5	2334,6	100,3
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1429,8	1976,3	109,6
саноат	965,1	1385,6	111,5
қурилиш	464,7	590,7	105,8
Хизматлар	2539,1	3028,5	103,9
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	462,6	582,1	104,5
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	612,1	669,2	105,3
бошқа хизматлар	1464,4	1777,2	103,1

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири 111,5 фоиз - саноат тармоғи ҳиссасига тўғри келмоқда.


ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 67,1 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди, бу кўрсаткич 2017 йил январь-сентябрь ойларида 68,5 фоизни ташкил қилган.

Ялпи худудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
 январь–сентябрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)

2017 йил январь-сентябрь



2018 йил январь-сентябрь



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида ЯХМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 41,3 фоизни ташкил қилди, бу эса 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 3,6 пунктга камдир (44,9 фоиз). Жумладан, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари 1,7 пунктга камайди ва ҳисобот даврида 9,1 фоизни ташкил қилди. Хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар улуши 2017 йил январь-сентябрь ойларидаги 25,9 фоиздан 2018 йил январь-сентябрь ойларида 24,3 фоизга тушди.

II. САНОАТ

2018 йил январь-сентябрь ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 3890,3 млрд.сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 114,4 фоизни ташкил этди.


Ҳисобот даврида 2664,5 млрд. сўмлик халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2017 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 122,3 фоизни ташкил этди.

Жумладан, 676,2 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 1963,3 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2017 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан мос равишда 105,1 фоиз ва 129,9 фоиз) ишлаб чиқарилди.


Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида 11,6 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркиби январь-сентябрь ҳолатига
(жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан фоизда)

2017 йил январь-сентябрь



2018 йил январь-сентябрь



- Ишлаб чиқарадиган саноат
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш
- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

2018 йил январь-сентябрда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	3890,28	114,4
Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	0,02	101,3
<i>улардан:</i>		
Тоғ- кон саноатига боғлиқ бошқа фаолият	0,02	101,3
Қайта ишлаш саноати	3731,35	116,1
<i>ундан:</i>		
Озиқ- овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	710,96	100,3
Ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	156,7	115,2
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	762,18	102,1
Кийим ишлаб чиқариш	49,76	183,3
Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	5,57	102,9
Ёғоч ва пўкак буюмлар, похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, ишлаб чиқариш	3,28	106,8
Қоғоз ва қоғоз маҳсулотларини ишлаб чиқариш	11,24	105,9
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	0,56	108,4
Нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	0,03	110,1

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	7,67	108,0
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	5,56	108,3
Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	17,88	109,0
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	126,21	104,9
Металлургия саноати	11,24	109,5
Машина ва ускуналардна ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	101,37	135,4
Компьютер ва электрон оптикали маҳсулотлар ишлаб чиқариш	0,01	109,9
Электр ускуналар ишлаб чиқариш	16,5	108,4
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	107,39	110,1
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	1519,43	137,9
Мебель ишлаб чиқариш	15,82	105,1
Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	90,09	89,3
Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш ҳамда тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	11,92	91,8
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	129,25	76,6
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	29,66	139,6


	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	2664,5	122,3

шу жумладан:

ОЗИҚ-ОВҚАТ товарлари	676,2	105,1
----------------------	-------	-------

НООЗИҚ-ОВҚАТ товарлари	1963,3	129,9
------------------------	--------	-------

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби
(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш хажмига нисбатан фоизда)




Саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми
(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)

	<i>Саноат маҳсулотлари, млрд. сўмда ¹⁾</i>	<i>2017 йил январь- сентябрь ойига нисбатан, % да</i>	<i>Истеъмол товарлари, млрд. сўмда ¹⁾</i>	<i>2017 йил январь- сентябрь ойига нисбатан, % да</i>
Вилоят бўйича жами	3890,3	114,4	2664,5	122,3
<i>шаҳарлар:</i>				
Урганч ш.	958,1	107,5	550,7	111,7
Хива ш.	39,9	104,8	41,2	107,2
<i>туманлар:</i>				
Боғот	235,1	102,9	63,7	119,0
Гурлан	113,3	101,1	65,2	107,9
Қўшкўпир	114,1	114,8	52,6	112,9
Урганч	106,1	112,8	103,9	111,8
Хазорасп	1673,4	126,8	1401,8	131,9
Хонқа	245,6	101,2	134,9	112,4
Хива	59,8	104,8	61,8	107,2
Шовот	181,8	115,5	112,8	135,0
Янгиариқ	94,0	102,6	40,8	104,8
Янгибозор	69,1	97,7	35,1	111,5

**Шаҳар ва туманларнинг вилоят жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши
(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)**

¹⁾ Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда




Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналари томонидан натура кўринишида айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш (2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)

	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь-сентябрь	2017 йил январь-сентябрь ойига нисбатан, % да
Енгил автомобиллар (ихтисослаштирилганларсиз)	дона	23701	136,7
Юк автомобиллари	дона	5351	2,1 м
Автомобил кузовлари	дона	13419	129,7
Пахта толаси	минг тонна	49,4	82,1
Ўсимлик ёғи (тозаланган)	минг тонна	12,7	82,3
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	минг тонна	54,7	95,8
Бошқа гуруҳларга киритилмаган бўлак, брусок ва шу каби шакллардаги совун ва юзаки актив органик моддалар (пардоз учун ишлатиладиганидан ташқари)	тонна	6118	114,1
Арок	минг л 100%ли спирт	1124	92,1

	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь-сентябрь	2017 йил январь-сентябрь ойига нисбатан, % да
Табиий оқ ва қизил десерт узум винолари	минг л 100%ли спирт	910	100,0
Коньяк спирти (коньяк дистилляти)	минг л 100%ли спирт	34,0	0,0
Ширинлик қўшилмаган табиий минерал газли сувлар	минг литр	4601	111,9
Ширинлик қўшилмаган табиий минерал газсиз сувлар	минг литр	1902	65,1
Шакар, бошқа ширинлик ёки хушбўйлаштирувчи моддалар қўшилган сувлар, жумладан минерал ва газли сувлар	минг литр	34126	124,6

Шахар ва туманлар бўйича аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми, минг сўмда

(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)




Шахар ва туманлар бўйича аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми, минг сўмда

(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Шахар ва туманлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, % да
(2017 йил январь-сентябрь ва 2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)




III. ҚИШЛОҚ, ҶРМОН ВА БАЛИҚ ХҶЖАЛИГИ

2018 йилнинг январь-сентябрида вилоят қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (кўрсатилган хизматлар) нинг умумий ҳажми 3667,3 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 100,3 фоизни шу жумладан деҳқончилик маҳсулотлари 1505,8 млрд.сўмни (93,1 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари 2082,6 млрд. сўмни (105,5фоиз),қишлоқ хўжалигида кўрсатилган хизматлар ҳажми 46,0 млрд. сўмни (100,2фоиз),балиқчилик хўжаликларида 27,1 млрд. сўмни (105,9 фоиз), овчилик хўжалигида 0,067 млрд. сўмни (57,1 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 5,8 млрд. сўмни (108,2 фоиз) ташкил қилди.

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши


(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



Вилоят қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида энг катта улушни деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари хўжаликлари эгаллаган бўлиб, 2018 йил январь-сентябрь ойларида жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 75,1 фоизини ташкил қилди (2017 йил январь-сентябрида – 75,0 фоиз), фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 24,0 фоизи ишлаб чиқарилган (2017 йил январь-сентябрида 24,1 фоиз), шунингдек, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи корхоналар томонидан жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 0,9 фоизи ишлаб чиқарилган.

2018 йилнинг январь-сентябрида ҳудудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми

(Вилоят бўйича 3667,3 млрд.сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 100,3 фоизга ўсган. Шундан ҳудудлар кесимида қуйидаги диаграммада кўрсатилган.)



Ҳосил йиғими. 2018 йилнинг январь-сентябр ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 241,7 минг тонна бошоқли дон экинлари ишлаб чиқарилиб, шундан 239,6 минг тоннаси буғдой ташкил қилди.

Бундан ташқари, барча тоифадаги хўжаликларда 103,9 минг тонна картошка қазиб олинди (2017 йилга нисбатан 103,6 фоиз), 402,7 минг тонна сабзавот (102,7 фоиз) йиғиб олинди, 120,2 минг тонна полиз экинлари (103,3 фоиз), 145,7 минг тонна мева ва резаворлар (101,6 фоиз) ва 31,9 минг тонна узум (102,4 фоиз) етиштирилди.

Чорвачилик. 2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига йирик шохли қорамоллар сони 847,4 минг бош (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,1 фоиз), шу жумладан сигирлар сони 330,1 минг бош (102,5 фоиз), қўй ва эчкилар сони 412,4 минг бош (103,0 фоиз), отлар сони 5,3 минг бош (99,6 фоиз), паррандалар сони 5245,6 минг бош (101,0 фоиз) ни ташкил этган.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 99,3 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,7 фоизни, тухум ишлаб 76,5 фоизни ташкил этди.

2018 йил 1 октябрь ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони

	<i>минг бош</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
Йирик шохли корамол	847,4	105,1
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	53,5	87,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	787,5	106,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	6,4	104,9
шундан: сизирлар	330,1	102,5
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	18,7	79,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	309,7	104,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	1,7	85,0
Қўй ва эчкилар	412,4	103,0
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	40,1	121,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	370,6	101,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	1,7	106,3
Отлар	5,3	99,6
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	0,5	98,1
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	4,7	99,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,07	145,7
Паррандалар	5245,6	101,0
<i>шу жумладан:</i>		

	минг бош	ўсиш суръати, %
Фермер хўжаликларида	585,6	52,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	3490,0	104,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	1170,0	162,3

2018 йил январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари

	миқдори	ўсиш суръати, %
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	122,5	105,2
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	3,7	101,2
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	117,9	105,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	0,9	103,9
Сут, минг тн.	840,6	105,0
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	31,9	82,5
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	806,1	106,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	2,6	137,5
Тухум, млн. дона	350,6	105,0
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	22,0	110,5
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	246,2	113,8
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	82,4	84,4

Фермер хўжаликлари. 2018 йилнинг январь-сентябрида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 861,5 млрд. сўмни ёки

2017 йилнинг тегишли даврига нисбатан 84,5 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 24,0 фоизни ташкил этди.


2018 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига фермер хўжаликларида 53,5 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 18,7 минг бош сигир, 40,1 минг бош қўй ва эчкилар, 585,6 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, 2017 йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар сони 87,0 фоизни, шу жумладан сигирлар 79,9 фоизни, қўй ва эчкилар 121,9 фоизни, паррандалар 52,0 фоизни ташкил қилди.

2018 йил январь-сентябрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари


	<i>январь-сентябрь</i>				<i>2017 январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
	<i>2017 йил</i>		<i>2018 йил</i>		
	<i>тонна</i>	<i>ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз</i>	<i>тонна</i>	<i>ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз</i>	
Бошоқли дон	142767	59,4	146173	60,5	102,4
<i>шу жумладан:</i>					
буғдой	142310	59,4	144740	60,4	101,7
Картошка	15540	15,5	15600	15,0	100,4
Сабзавот	95862	24,4	93980	23,3	98,0
Полиз	68152	58,6	68300	56,8	100,2
Мева ва резаворлар	70120	48,9	70640	48,5	100,7
Узум	9091	29,2	9200	28,8	101,2
Гўшт, <i>тирик вазнда</i>	3697	3,2	3740	3,1	101,2
Сут	38624	4,8	31852	3,8	82,5
Тухум, <i>млн. дона</i>	19,9	6,0	22	6,3	110,5
Жун, <i>тонна</i>	58	5,8	55	5,4	94,8
Қорақўл, <i>дона</i>	570	9,1	373	5,9	65,4

2018 йилнинг январь-сентябрида ҳудудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Буғдой (тонна) жами
вилоят бўйича **239619**



Картошка (тонна) жами
вилоят бўйича **103881**



Сабзавотлар (тонна)
Жами вилоят бўйича
402654



Полиз (тонна)
Жами вилоят бўйича
120219



Мевалар ва резаворлар
(тонна) Жами вилоят
бўйича **145674**



Узум (тонна)
Жами вилоят
бўйича **31890**




**2018 йил 1 октябрь ҳолатига ҳудудлар кесимида
чорва моллари ва паррандалар бош сони**



Йирик шоҳли қорамоллар (бош)
Жами вилоят бўйича **847418**



шу жумладан сигирлар (бош)
Жами вилоят бўйича **330123**



Қўйлар ва эчкилар (бош)
Жами вилоят бўйича 412413




Паррандалар (минг бош)
Жами вилоят бўйича 5245,6



2018 йилнинг январь-сентябрида ҳудудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Гўшт (минг тонна)
Жами вилоят бўйича 122,5




Сут (минг тонна)
Жами вилоят бўйича 840,6



Тухум (млн. дона)
Жами вилоят бўйича 350,6




Жун (тонна)
Жами вилоят бўйича 1019



IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йил январь-сентябрь ойларида вилоятнинг иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2052,7 млрд. сўм (доллар эквивалентида 256,5 млн АҚШ долл) миқдорида асосий капиталга инвестициялар киритилиб, 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 135,8 фоизни, шундан хорижий инвестициялар 218,2 млрд. сўмни (жамига нисбатан улуши 10,6 фоиз) ташкил этди.


2018 йил январь - сентябрь ойларида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръати



2018 йилнинг январь – сентябрь ойларида жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг деярли ярмидан кўпи, яъни 59,1 фоизи вилоятнинг 3 та тумани ҳиссасига, жумладан Урганч шаҳри 37,0 фоиз, Шовот тумани 12,4 фоиз ва Ҳазорасп тумани 9,7 фоизи тўғри келади.

Айрим туманларда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари кузатилди. Жумладан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Урганч шаҳри 181,3 фоиз, Ҳазорасп тумани 216,9 фоиз, Қўшқўпир тумани 166,0 фоиз, Шовот тумани 160,3 ва Боғот тумани 161,2 фоиз ўсиш кузатилди.

Аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар



2018 йилнинг январь – сентябрь ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Урганч шаҳри 5391,8 минг сўм (179,6 фоиз), Шовот тумани 1548,1 минг сўм (157,5 фоиз) ва Янгибозор тумани 1032,3 минг сўм (139,9 фоиз) қайд қилинди.

2018 йил январь - сентябрь ойларида молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	2052,7	135,8	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Марказлашган инвестициялар:	585,4	163,9	28,5

	<i>млрд.сўм</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>	<i>яқунга нисбатан фоиз</i>
бюджет маблағлари	106,9	90,5	5,2
давлат мақсадли фонд маблағлари	186,8	178,5	9,1
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	104,6	116,2	5,1
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	187,1	253,5	9,1
Марказлашмаган инвестициялар:	1467,3	122,5	71,5
корхоналарнинг ўз маблағлари	615,2	183,4	30,0
аҳоли маблағлари	519,7	94,9	25,3
хорижий инвестиция ва кредитлар	31,1	52,2	1,5
шундан:			
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	26,5	44,9	1,3
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	301,3	118,1	14,7


Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби
(2018 йил январь-сентябрь)

	<i>жами</i>	<i>Давлат</i>	<i>Нодавлат</i>
Жами, млрд. сўм	2052,7	545,3	1507,4
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида</i>			
қурилиш-монтаж ишлари	1470,1	465,7	1004,4
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	498,3	65,8	432,5
Бошқа харажатлар	84,3	13,8	70,5

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибида Вилоят бўйича қурилиш – монтаж ишларининг улуши 71,6 фоизни, машина, ускуна, инвентар сотиб олишга харажатлар 24,3 фоизни ҳамда бошқа харажатлар улуши 4,1 фоизни ташкил этди.


Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари

(январь-сентябрь ҳолатига)




Вилоятда асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари 2018 йил январь-сентябрь ойларида мос равишда 28,5 фоиз ва 71,5 фоизларни ташкил қилиб, ушбу кўрсаткичларнинг улушлари ўтган йилнинг шу даврида 20,8 фоиз ва 79,2 фоизларни ташкил қилди.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари (улуши фоизда)



2017 йилнинг шу даври билан солиштирганда Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий инвестициялар улуши 5,4 фоиз пунктга ўсган, мос равишда Давлат мақсадли жамғармасы улуши 2,0 фоиз пунктга кўпайган бўлса, Республика бюджети маблағларининг улуши 2,6 фоизли пунктга камайди.

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашмаган
молиялаштириш манбалари (улуши фоизда)**



■ 2017 йил январь - сентябрь ■ 2018 йил январь - сентябрь

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби

Жами инвестициял	Шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича: (млрд. сўм)
------------------	--

		<i>Республика бюджети</i>	<i>Давлат мақсадли жамғармалари</i>	<i>Корхона ва аҳоли маблағи</i>	<i>Тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари</i>	<i>Хорижий инвестиция ва кредитлар</i>	<i>Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси</i>	<i>Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси</i>
--	--	---------------------------	-------------------------------------	---------------------------------	---	--	---	--

Хоразм вилояти	2052,7	106,9	179,5	1141,4	294,8	218,2	104,6	7,3
Шаҳар ва туманлар								
Урганч ш.	759,2	71,1	53,8	243,7	94,2	191,8	104,6	-
Хива ш.	49,4	0,3	1,6	38,8	8,2	0,6	-	-
Боғот	110,5	2,9	22,0	58,4	24,9	-	-	2,3
Гурлан	82,4	3,8	6,7	55,9	16,0	-	-	-
Қўшқўпир	95,6	3,0	10,5	70,5	9,0	-	-	2,6
Урганч	148,6	4,1	14,0	84,6	41,4	4,5	-	-
Ҳазорасп	199,3	9,6	12,7	125,5	30,2	21,3	-	-
Хонқа	117,8	3,8	8,7	88,7	16,6	-	-	-
Хива	75,5	2,8	15,4	37,1	20,1	-	-	-
Шовот	254,5	1,5	14,0	223,7	13,0	-	-	2,4
Янгиариқ	72,5	2,6	13,0	42,0	14,9	-	-	-
Янгибозор	87,4	1,5	7,0	72,4	6,5	-	-	-


Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2018 январь – сентябрь ойларида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми

	Млрд. сўм	Жамига нисбатан фоизда
--	------------------	-----------------------------------

Жами:	2052,7	100,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	274,1	13,4
Тоғ- кон саноати	0	0
Ишлаб чиқариш саноати	328,5	16,0
Электр энергияси , газ ва буғ кондицияланган хаво	30,8	1,5
Сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш	57,5	2,8
Қурилиш	56,0	2,7
Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалар ва мотоциклларни таъмирлаш	117,4	5,7
Ташиш ва сақлаш	203,9	9,9
Овқатланиш ва яшаш бўйича хизматлар	13,2	0,6
Ахборот ва алоқа	22,3	1,1
Молия ва суғурта фаолияти	29,8	1,5
Профессинал, илмий ва техник фаолият	15,0	0,7
Таълим	78,9	3,8
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	57,6	2,8
Санъат, кўнгиш очиш ва дам олиш	1,0	0,1
Жами фаолият турларидан ташқари: турар жой қурилишига инвестициялар	579,3	28,2
Бошқа фаолият турлари	187,4	9,2

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 57,6 фоизидан ортиғи қуйидаги иқтисодий фаолият турларига йўналтирилди: қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги (13,4 фоиз), ишлаб чиқариш саноати (16,0 фоиз) ва жами фаолият турларидан ташқари: турар жойқурилишига инвестициялар (28,2 фоиз).

2018 йилнинг январь – сентябрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби



Асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитлар

2018 йилнинг январь – сентябрь ойларида 218,2 млрд.сўм АҚШ (доллар эквивалентида 27,3 млн.АҚШ долл) ёки ўтган шу даврига нисбатан 190,4 фоиз асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 10,6 фоизни ташкил қилди.

Жами ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитларни 85,7 фоизи, яъни 187,1 млрд.сўм (23,4 млн.АҚШ долл) Ўзбекистон Республикаси қафолати остидаги хорижий кредитлар, 14,3 фоизи хорижий инвестициялар 31,1 млрд.сўм (3,9 млн.АҚШ долл), шундан тўғридан-тўғри инвестициялар 26,5 млрд.сўм (3,3 млн.АҚШ долл)ни ташкил қилди.

2018 йил январь-сентябрь ойларида умумий майдони 561,9 минг кв.м. бўлган 2824 та (2017 йилнинг январь-сентябрга нисбатан 82,8 фоиз) шу жумладан қишлоқ жойларида 465,2 минг кв.м.(80,9 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Турар жой курилишига ўзлаштирилган инвестициялар 339,5 млрд.сўмни ёки жами инвестициялардаги улуши 16,5 фоизни ташкил қилди.

2018 йил январь – сентябрь ойларида ишга туширилган турар жойлар

	<i>Барча молиялаштириш ҳисобидан:</i>			
	<i>Ишга туширилди</i>		<i>Улардан яқка тартибдаги турад жойлар</i>	
	<i>Минг кв.метр</i>	<i>2017 йил мос даврига нисбатан фоизда</i>	<i>Минг кв.метр</i>	<i>2017 йил мос даврига нисбатан фоизда</i>
Хоразм вилояти	561,9	82,8	536,2	87,8
Шаҳар ва туманлар				
Урганч ш.	68,5	79,9	68,5	80,9
Хива ш.	26,7	-	26,7	-
Боғот	53,6	78,6	51,3	79,0
Гурлан	65,5	124,3	63,3	137,7
Қўшқўпир	61,6	128,9	59,3	133,2
Урганч	28,5	35,3	26,2	50,8
Ҳазорасп	3,6	7,6	0,4	0,9
Хонқа	73,1	98,1	69,9	101,5
Хива	22,8	33,0	19,6	31,2
Шовот	63,7	122,5	61,7	133,5
Янгиариқ	33,1	72,1	31,0	72,9
Янгибозор	61,3	111,3	58,2	112,2

Янги қурилиш ва реконструкция ҳисобига турар жойлар ва ижтимоий объектларни ишга тушириш

	<i>Барча молиялаштириш ҳисобидан:</i>			
	<i>Ишга туширилди</i>		<i>2017 йилнинг мос даврига нисбатан фоизда</i>	
	<i>жами</i>	<i>шу жумладан қишлоқ жойларди</i>	<i>жами</i>	<i>шу жумладан қишлоқ жойларди</i>
Турар жойлар умумий майдони минг кв.метр	561,9	465,2	82,8	80,9
улардан:				
якка тартибдаги турар жойлар	536,2	439,5	87,8	86,5
Намунавий лойиҳалар асосида қурилган якка тартибдаги турар жойлар	25,7	25,7	37,7	38,4
Поликлиникалар(ҚВПларни қўшган ҳолда), катнов	575	375	-	-
Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар, ўқувчи ўрни	1711	1184	-	-
Сув тармоғи, км	98,1	93,5	84,9	88,4
Газ тармоғи, км	2,1	2,1	10,5	20,6

Коммунал қурилиш соҳасида 98,1 км узунликдаги ичимлик суви(жумладан қишлоқ жойларда 93,5 км), 2,1 км узунликдаги газ тармоқлари(жумладан қишлоқ жойларда 2,1 км) ишга туширилди, бу 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан мос равишда 84,9 ва 20,6 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига жами маблағлари ҳисобига 16474,2 млн.сўм, газ тармоқлари қурилишига эса 210,0 млн. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.


Сув тармоқлари қурилишига 16,5 млрд. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 0,2 млрд. сўм ўзлаштирилди.

Газ тармоқлари қурилишига 0,2 млрд. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 0,2 млрд. сўм (умумий ҳажмининг 100,0 фоизи) ўзлаштирилди.

Қурилиш ишлари

2018 йил январь-сентябрь ойларида 1321,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,8 фоизни ташкил этди.

Шаҳар ва туманлар кесимида қурилиш ишлари ўсиш суръати



2017 йилнинг мос даврига нисбатан фоизда

Қурилиш ишлари бўйича юқори ўсиш суръатлари қуйидаги шаҳар ва туманларда: Хива шаҳри 172,1 фоиз, Янгибозор тумани 134,9 фоиз ва Шовот тумани 120,7 фоиз ўсиш кузатилди.


Шунингдек 2017 йилнинг шу даврига нисбатан камайиш кузатилган туманлар қуйидагилар: Урганч тумани 92,1 фоиз, Ҳазорасп тумани 77,5 фоиз.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби

	январь–сентябрь	
	2017 й.	2018 й.
Қурилиш ишлари, млрд. сўм	1039,7	1321,7
<i>шу жумладан:</i>		
давлат	66,9	79,4
нодавлат	972,8	1242,3

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1242,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 94,0 фоизни (2017 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш суръати 106,1 фоизни) ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми (млрд.сўм)



Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 81,3 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 10,8 фоизи фуқаролик қурилиш объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 7,9 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 77,7 фоизи янги қурилиш ҳажмига тўғри келади.

